

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«DORI-DARMON» aksiyadorlik
kompaniyasi акциядорлари умумий
йиғилишининг
2016 йил «3» июндаги
қарори билан

_____ Ш.А.Вафаев

«DORI-DARMON» AKSIYADORLIK KOMPANIYASI
АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ТҮҒРИСИДАГИ
НИЗОМИ

Тошкент - 2016 йил

МУНДАРИЖА

- 1. Умумий қоидалар**
- 2. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатлари ва қарорларни қабул қилиш**
- 3. Акциядорлар умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқи. Акциядорларни ва уларнинг ваколатли вакилларини рўйхатдан ўтказиш**
- 4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш**
- 5. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш**
- 6. Акциядорлар умумий йиғилиши кворуми**
- 7. Акциядорлар умумий йиғилишнинг ишчи органлари**
- 8. Акциядорлар умумий йиғилишни олиб бориш тартиби**
- 9. Акциядорлар умумий йиғилиши баёни**
- 10. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорларини бажариш**

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур низом «DORI-DARMON» aksiyadorlik kompaniyasining акциядорлари умумий йиғилиши мавқеини белгилайди ва унинг ишини, уни ўтказиш ва қарорлар қабул қилинишини тартибга солади.

1.2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2016 йил 11 февралдаги 9-сонли йиғилиш баёни билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси ҳамда «DORI-DARMON» aksiyadorlik kompaniyasining (матн бўйича “Компания”) уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Компания ҳар йили акциядорларнинг йиллик (навбатдаги) умумий йиғилишини ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши йил тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Компания акциядорларининг навбатдаги (йиллик) умумий йиғилиши ҳар йили одатда июнь ойида ўтказилади. Бунда, Кузатув кенгаши мавжуд вазиятлардан келиб чиқсан ҳолда, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш муддатини қайта кўриб чиқиш ва бошқа муддатни белгилаш ҳуқуқига эга.

1.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Компаниянинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, Компаниянинг Бошқарув раиси билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш масалалари ҳал этилади, шунингдек, Компаниянинг йиллик ҳисоботи, Кузатув кенгаши ва Ижроия органининг Компанияни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва мазкур низомнинг 2.1.10. ва 2.1.11. бандларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар кўриб чиқилади.

1.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан бошқа ўтказиладиган йиғилишлар навбатдан ташқари йиғилишлар ҳисобланади.

1.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Компаниянинг кузатув кенгashi томонидан белгиланади.

2. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИННИГ ВАКОЛАТЛАРИ, АКЦИЯДОРЛАРНИ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛЛАРИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ

2.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуидагилар киради:

2.1.1. компания уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки компаниянинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

2.1.2. Компанияни қайта ташкил этиш;

2.1.3. Компанияни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва яқуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

2.1.4. Компания кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, Кузатув кенгashi аъзоларига мукофот ва компенсациялар тўлаш;

2.1.5. Эълон қилинган акцияларнинг энг кўп микдорини белгилаш;

2.1.6. Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) қўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан кўпайтириш;

2.1.7. Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш;

2.1.8. Компаниянинг жойлаштирилган акцияларини сотиб олиш;

2.1.9. Компаниянинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш) ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Шунингдек Компания кузатув кенгashi Компаниянинг Бошқарув раиси билан тузилган шартномани, агар у Компания уставини қўпол тарзда бузса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Компанияга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) хуқуқига эга;

2.1.10. Компания тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш, Тафтиш комиссияси аъзоларига мукофот ва компенсациялар тўлаш;

2.1.11. Компаниянинг йиллик ҳисботини, шунингдек компания фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиқсан ҳолда компанияни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

2.1.12. Компаниянинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш;

2.1.13. Компания кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, компанияни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан компания кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш;

2.1.14. Имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунинг 35-моддасида ва мазкур уставда назарда тутилган қарорлар қабул қилиш;

2.1.15. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

2.1.16. Акцияларни майдалаш ва йириклиштириш;

2.1.17. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунинг 8 – бобига асосан баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада компания соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

2.1.18. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунинг 9–бобига асосан Компаниянинг аффилланган шахси билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.1.19. Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва хабарни ошкор қилиш шаклини тасдиқлаш;

2.1.20. Компаниянинг бошқарув органлари тўғрисидаги, шу жумладан ички назорат, дивиденд сиёсати тўғрисидаги, манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларини тасдиқлаш;

2.1.21. Ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Компаниянинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.1.22. Компаниянинг жорий ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш;

2.1.23. Ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш, уларни амалга ошириш ваколатини кузатув кенгашига бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.1.24. Электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

2.1.25. Саноқ комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил экспертларни жалб этиш (масалан, инвестиция маслаҳатчиси ёки қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчиси) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

2.1.26. Компания маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлик қўмитасини сақлаш харажатини қоплаш (миноритар акциядорлик қўмитаси тузилган тақдирда) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

2.1.27. Акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисбот берувчи Компания бошқарув ва назорат органлари маърузалари (ҳисботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни ўрнатиш, акциядорлар умумий йиғилиши давомийлигини белгилаш;

2.1.28. Қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

2.1.29. Акциядорларнинг умумий йиғилишида шахсан иштирок эта олмайдиган акциядорлар учун электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш имконияти ва шароитини яратиш;

2.1.30. Мазкур низомга, Компания уставига ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

2.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Компаниянинг Кузатув кенгаши ва ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

2.3. Мазкур Низомнинг 2.1.1. - 2.1.4., 2.1.6, 2.1.12., 2.1.16., 2.1.17. ва 2.1.18. қисмларида, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 84-моддасида кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар, акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади.

2.4. Овозга қўйилган бошқа масалалар бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, Компаниянинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

2.5. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кузатув кенгаши аъзолари, Компания акциядорлари, бошқарув ва назорат органи аъзолари ўртасида ўзаро ишонч, хурмат, ҳисобдорлик ва назорат тамойиллари асосидаги ҳамкорликни таъминлайди.

2.6. Акциядорларнинг умумий йиғилиши барча акциядорларга, уларнинг улуши, даромад даражаси, жинси, ирқи, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар бир хил муносабатни таъминлайди.

3. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШДА ҚАТНАШИШ ҲУҚУҚИ.

3.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган Компания акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

3.2. Компания акциядорнинг талабига кўра акциядорга у акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Компания акциядорларининг реестрига киритилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.

3.3. Компания умумий йиғилишда иштирок этувчи шахсга шундай шахс ҳисобидан ўзи тўлдириган бюллетең нусхасини олиш имконини беради.

3.4. Компания акциядорларининг шакллантирилган реестрига ўзгартиришлар фақат реестр тузилган санада кўрсатиб ўтилган реестрга киритилмаган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган ёки уни тузишда йўл қўйилган хато тузатилган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда киритилиши мумкин.

3.5. Умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари йиғилиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган жой ва вақт бўйича рўйхатдан ўтишлари керак.

3.6. Компания акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар, уларни ваколатли вакиллари, саноқ комиссияси, ички аудит хизмати ходимлари, аудиторлик текширувани ўтказган аудиторлик ташкилотининг вакили, кузатув кенгаши ва ижроия органи аъзолари, тафтиш комиссияси аъзолари, шунингдек, миноритар акциядорлар қўмитаси (мавжуд бўлганда) ва бошқалар кузатув кенгаши раисининг таклифига биноан акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга.

3.7. Компаниянинг кузатув кенгаши, ижроия органи ва тафтиш комиссияси аъзолари, шунингдек, аудиторлик текширувани ўтказган аудиторлик ташкилотининг вакили акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида ўз органи ҳисботи билан иштирок этиши шарт.

3.8. Компаниянинг кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси аъзолиги ва Бошқарув раиси лавозимига номзодлари кўрсатилган шахслар ўз номзодларининг кўриб чиқилиши белгиланган акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиши мумкин.

3.9. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс вакилининг ишончномаси нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши шарт. Юридик шахс вакилининг ишончномаси ушбу юридик шахс раҳбарининг имзоси ёки ва юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган ҳолда берилади.

3.10. Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга хақлидир.

3.11. Умумий йиғилишда қатнашиш учун келган жисмоний шахслар бўлган акциядорларни рўйхатдан ўтказиш паспорт ёки акциядорнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат кўрсатилгач, вакилга нисбатан эса нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома кўрсатилгач амалга оширилади.

3.12. Юридик шахс (Компания акциядори) раҳбари умумий йиғилишдаги ўз ваколатларини лавозимга тайинлаш тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжат ҳамда шахсни тасдиқловчи ҳужжат асосида амалга оширади.

3.13. Юридик шахснинг (Компания акциядорининг) вакили акциядорлар умумий йиғилишида ушбу юридик шахс раҳбарининг имзоси ёки бунга таъсис ҳужжатлари билан вакил қилинган бошқа шахснинг имзоси ва юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган унинг номига берилган ишончнома мавжуд бўлган тақдирда қатнашиши мумкин.

3.14. Агар Компаниянинг акцияси бир нечта шахснинг умумий улушли мулкида бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ваколатлари уларнинг хоҳишига кўра умумий улушли мулк иштирокчиларидан бири ёки уларнинг умумий вакили томонидан амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган ҳар бир шахснинг ваколатлари тегишли тарзда расмийлаштирилган бўлиши керак.

3.15. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Компания акциядорлари реестрига мувофиқ ушбу Низомнинг 1-иловасидаги шакл бўйича қайд этиш рўйхати тузилади.

3.16. Қайд этиш рўйхати рисола ҳолига келтирилган, тартиб рақами қўйилган, ип ўтказиб тикилган ва акциядорлик Компания муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

3.17. Умумий йиғилишни ўтказишда акциядорлар (уларнинг вакиллари) қайд этиш рўйхатига имзо чекадилар ва Компания акциядорлари реестри маълумотлари бўйича белгиланган ҳар бир акциядорнинг овоз берувчи акциялари сонидан келиб чиқиб овоз бериш учун бўллетеңлар тўпламини оладилар (2-илова).

3.18. Агар йиғилиш қатнашчиси бир ёки бир неча акциядорнинг манфаатларини ифодалашга ишончнома тақдим этса, у ҳолда унга у ифодалаётган акциядор (акциядорлар) учун овоз беришга бўллетең берилади, рўйхатдан ўтиш рўйхатида эса у ифодалаётган акциядорнинг фамилияси қаршисига «_____та (сони) овоз берувчи акциялар бўйича «_____» да берилган ишончнома бўйича» деган ёзув қайд этилади ҳамда вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

4. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИНІ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ

4.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ушбу низомнинг 1.3-бандида белгиланган муддатда ўтказиш ва сифатли тайёргарлик кўриш учун Компания ижроия органи корпоратив маслаҳатчи (мавжуд бўлганда) билан биргаликда қуидагиларни амалга оширади:

- кузатув кенгаши қарори билан танланган аудиторлик ташкилоти билан аудит текширувни ўтказиш учун шартнома тузиш, шунингдек, халқаро молиявий ҳисоботлар стандартларига асосан молиявий ҳисоботларни тузиш, халқаро молиявий ҳисоботлар стандартларига мувофиқ ташқи аудит ўтказиш бўйича шартномада текширув тугашининг аниқ муддатини кўрсатиш;

- халқаро молиявий ҳисоботлар стандартларига мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларни ташқи аудит ўтказилгандан кейин ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш белгиланган санадан икки ҳафта олдин эълон қилинишини таъминлаш;

Шунингдек, Компания ижроия органи қуидагиларни ишлаб чиқади (тайёрлайди):

- умумий йиғилишни ўтказиш регламенти, соф фойдани тақсимлашда (зараарларни қоплаш) ҳар бир йўналишнинг асосланишини ва умумий йиғилишда

кўриб чиқиладиган бошқа ҳужжатлар, шунингдек, саноқ комиссиясини тузиш бўйича таклифлар лойиҳаси. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш учун, шунингдек, Компания кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолигига кўрсатилган номзодлар ва бошқа маълумотлар тўғрисидаги акциядорларнинг таклифларини умумлаштириш;

- Компаниянинг йиллик ҳисоботи ва йиллик бизнес-режаси, шунингдек компания фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиқсан ҳолда компанияни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини;

- Компаниянинг бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилиши ва ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида компания ижроия органининг ҳисоботи, аудиторлик текширувани ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш бўйича танлов ўтказиш;

4.2. Компания ижроия органи ушбу низомнинг 4.1-банди иккинчи қисмида кўрсатилган материалларни ишлаб чиқсандан (тайёрлагандан) кейин, уларни кўриб чиқиш учун кузатув кенгаши муҳокамасига киритади.

4.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда Компаниянинг кузатув кенгаши қуидагиларни белгилайди:

- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;
- умумий йиғилишнинг кун тартибини;
- умумий йиғилишни ўтказиш ва акциядорларни хабардор қилиш учун Компания акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;
- умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш тартибини;
- умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;
- овоз бериш бюллетеининг шакли ва матнини.

4.4. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

4.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида етти кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Компаниянинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади (2-илова).

4.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуидагилар кўрсатилиши керак:

- Компаниянинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;
- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
- Компания акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;
- умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;
- умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга (давлат вакилига) тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни ва давлат вакилини таништириш тартиби.

4.7. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга (давлат вакилига) тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) Компаниянинг йиллик ҳисботи, Компаниянинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Компания тафтиш комиссиясининг ва аудиторлик ташкилотининг хуносаси, Компаниянинг кузатув кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Компаниянинг уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки Компаниянинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси, шунингдек, компанияни ўрта муддатга ва узоқ муддатга белгиланган ривожлантириш стратегияси ва кун тартиби бўйича бошқа зарур маълумотлар ҳамда умумий йиғилиш кун тартиби бўйича кузатув кенгашининг позицияси тўғрисидаги маълумотлар киради.

4.8. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши мажбурий бўлган қўшимча ахборотнинг (материалларнинг) рўйхати қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин.

4.9. Компания овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Компаниянинг молия йили тугаганидан кейин тўқсон кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартиби, фойдани тақсимлаш, Компания кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга, номзодларни умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан таклиф киритиш хуқуқига эга

4.10. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

4.11. Компания кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод Компания акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

4.12. Компаниянинг кузатув кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда мазкур низомнинг 4.9. бандда белгиланган муддат тугаганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай уларни акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт.

4.13. Акциядорлар (акциядор) томонидан киритилган масала акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига, худди шунингдек кўрсатилган номзодлар Компаниянинг кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- ушбу низомнинг 4.9. бандида белгиланган муддатга акциядорлар (акциядор) томонидан риоя этилмаган бўлса;
- акциядорлар (акциядор) Компаниянинг ушбу низомнинг 4.9. бандида назарда тутилган миқдордаги овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

- ушбу низомнинг 4.10. бандида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса;
- таклифлар қонун хужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаса.

4.14. Акциядорлар (акциядор) Компания кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

4.15. Компания кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни Компания кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асослантирилган қарори масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

4.16. Компания кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни Компания кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

5. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ

5.1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Компания кузатув кенгашининг қарорига кўра:

- унинг ўз ташаббуси асосида;
- тафтиш комиссиясининг ёзма талаби;
- ёзма талаб тақдим этилган санада Компания овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида (5-илова) ўтказилади.

5.2. Кузатув кенгаши ваколатларини муддатидан илгари тугатиш масаласи бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги асосий талаблари қўйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Компания устави ва умумий йиғилиш қарорларига риоя қилмаслик;
- акциядорларнинг мулкий хукуқларига зарар келтириш ва Компанияга зиён келтириш, шунингдек, молиявий-хўжалик фаолиятининг ёмонлашуви, компания фойдаси ва рентабеллигининг пасайиши, иш ва хизматлар реализациясини асоссиз қисқартирилиши билан боғлиқ;
- Компаниянинг (банкротлик) иқтисодий начорлиги хавфи ва белгиларининг пайдо бўлиши, давлат бюджети, бюджетдан ташқари фонdlар олдидаги, ишчиларнинг ойлик маоши бўйича доимий қарздорликнинг мавжудлиги;

5.3. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган бўлиши керак.

5.4. Агар навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш кузатув кенгаши ваколатларини муддатидан илгари тугатиш масаласини киритиш белгиланган тақдирда, шундай йиғилиш кун тартибига кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш масаласи тўғрисидаги таклифлар киритилган бўлиши шарт.

5.5. Компания тафтиш комиссиясининг ёки Компания овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Компаниянинг кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

5.6. Компаниянинг кузатув кенгаши Компания тафтиш комиссиясининг ёки Компания овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чақириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгартиришлар киритишига ҳақли эмас.

5.7. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядордан (акциядорлардан) чиқсан тақдирда, бу талабда умумий йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган бўлиши лозим.

5.8. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

5.9. Компаниянинг тафтиш комиссияси ёки Компания овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан ўн кун ичida Компания кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

5.10. Компания тафтиш комиссиясининг ёки Компания овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

- акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) ушбу низомнинг 5.1. бандида назарда тутилган миқдордаги Компания овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

- кун тартибига киритиши учун таклиф этилган масалалардан бирортаси ҳам акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кирмаса;

- кун тартибига киритиши учун таклиф этилган масала қонун хужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаса.

5.10. Компания кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақидаги асослантирилган қарори йиғилиш чақиришни талаб қилган шахсларга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

5.11. Компания кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

5.12. Компания кузатув кенгаши ушбу низомнинг 5.7. бандида белгиланган муддат ичida акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш

тұғрисида қарор қабул қилмаган тақдирда ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилған тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилған шахслар томонидан чақирилиши мүмкін. Бундай ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик күриш ва уни үтказиш билан боғлық харажатларнинг ўрни акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра Компаниянинг маблағлари ҳисобидан қопланиши мүмкін.

5.13. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини үтказишга Компания кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилған шахслар қонунчилиқда ва ушбу Низомда ўрнатилган тартибда тайёргарлик кўради.

6. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ КВОРУМИ

6.1. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан үтказиш тугалланган пайтда Компаниянинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

6.2. Агар йиғилиш бошланиши белгиланган вақтдан бир юз йигирма минутдан ортиқ вақт давомида акциядорларнинг умумий йиғилишини үтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такrorий умумий йиғилишини үтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такrorий умумий йиғилишини үтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

6.3. Агар акциядорларнинг үтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такrorий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан үтказиш тугалланган пайтда Компаниянинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такrorий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

6.4. Акциядорларнинг такrorий умумий йиғилишини үтказиш тұғрисида хабар ушбу низомда ва Компаниянинг Уставда назарда тутилган тартибда, шаклда ва муддатларда амалга оширилади.

6.5. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини үтказиш санаси йигирма кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар үтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

7. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИНГ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ

7.1. Қуйидагилар умумий йиғилиш ишчи органлари ҳисобланади: раёсат, саноқ комиссияси, котиб (котибият).

7.2. Акциядорлар умумий йиғилиши раёсати ва раиси акциядорлар умумий йиғилишида сайланади. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Компания кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Компания кузатув кенгашининг аъзоларидан бирни олиб боради.

7.3. Акциядорлар умумий йиғилиши раиси йиғилиш раёсатига бошчилик қилади, йиғилиш олиб борилишини таъминлайди ва ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган барча ваколатларга эга бўлади.

7.4. Умумий йиғилиш раиси йиғилиш ўтишига раҳбарлик қилади, ишчи органлари ишини мувофиқлаштиради, масалаларни мұхокама қилиш тартибини белгилайди, маъruzачиларнинг нутқ сўзлашлари вақтини чегаралайди, йиғилишни олиб бориш ва овоз бериш давомида тушунтиришлар беради, залда тартиб ўрнатилишини назорат қилади.

7.5. Акциядорларнинг талабларига кўра, умумий йиғилиши раиси акциядорлар умумий йиғилишининг аудио-видео ёзуви ва интернет тармоғидаги трансляциясига рухсат бериш ваколатига эга.

Умумий йиғилиш раиси йиғилиш баённомасини имзолайди.

7.6. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун Компания кузатув кенгаши томонидан саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

7.7. Саноқ комиссиясининг функциясини бажариш учун жалб этилган мустақил экспертлар саноқ комиссияси ишини амалга ошириши мумкин.

7.8. Саноқ комиссиясининг таркиби камида уч кишидан иборат бўлиши керак. Саноқ комиссияси таркибига Компания кузатув кенгашининг аъзолари, тафтиш комиссиясининг аъзолари, Компания бошқаруви аъзолари шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмас.

7.9. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш «Компаниянинг овоз берувчи битта акцияси — битта овоз» принципи бўйича амалга оширилади, Компаниянинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

7.10. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади.

7.11. Овоз берилганида овоз берувчи қайси масала бўйича эҳтимол тутилган овоз бериш варианларидан фақат биттасини қолдирган бўлса, ўша масала бўйича берилган овозлар ҳисобга олинади. Мазкур талабни бузган ҳолда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади ва улардаги масалалар бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

7.12. Агар овоз бериш бюллетенида овозга қўйилган бир нечта масала кўрсатилган бўлса, бир ёки бир нечта масалага нисбатан ушбу Низомининг 7.10. бандида кўрсатилган талабга риоя этилмаганлиги бюллетеннинг умуман ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлмайди.

7.13. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун Компания кузатув кенгаши томонидан саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

7.14. Саноқ комиссияси унга юклатилган вазифаларни бажариш масаласида мустақил иш юритувчи йиғилишнинг ишчи органи ҳисобланади.

7.15. Саноқ комиссияси ваколатларининг муддати у акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайланган пайтдан бошлаб акциядорларнинг тегишли йиғилиши (йиллик ёки навбатдан ташқари) томонидан саноқ комиссиясининг янги таркиби сайланиши (ёки қайта сайланиши) пайтигача амал қилади.

7.16. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш пайтида саноқ комиссияси кузатув кенгашининг топшириғига кўра қўйидаги функцияларни амалга оширади:

- акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузади;
- овоз бериш бюллетенларини ва умумий йиғилишнинг бошқа материалларини беради ва юборади, берилган (юборилган) бюллетенлар ҳисобини олиб боради.

7.17. Акциядорлар умумий йиғилишида акциядорларнинг олдинги умумий йиғилиши томонидан сайланган саноқ комиссияси қўйидаги функцияларни амалга оширади:

- умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорларни (уларнинг вакилларини) рўйхатдан ўтказади;
- ишончномалар ва улар томонидан бериладиган ҳуқуқлар ҳисобини юритади;
- овоз бериш бюллетенларини ва умумий йиғилишнинг бошқа ахбороти (материаллари)ни тарқатади;
- акциядорлар умумий йиғилиши кворуми бор ёки йўқлигини аниқлайди.

7.18. Таркиби бўлиб ўтаётган акциядорлар умумий йиғилиши давомида тасдиқланган саноқ комиссияси:

- акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқини амалга ошириш муносабати билан пайдо бўлувчи масалаларни тушунтиради;
- овоз беришга қўйилаётган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради;
- овоз беришнинг белгиланган тартибини ва акциядорларнинг овоз беришда қатнашиши ҳуқуқини таъминлайди;
- овозларни санайди ва овоз бериш якунларини чиқаради;
- овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузади;
- овоз бериш бюллетенларини архивга топширади.

8. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ

8.1. Акциядорлар умумий йиғилишини олиб бориш тартиби акциядорларнинг ҳар бир умумий йиғилишида мазкур низомга мувофиқ тасдиқланади.

8.2. Кузатув кенгashi раиси умумий йиғилишнинг раёсатини ва котибини шунингдек зарур бўлган холларда саноқ комиссиясини янги таркибини сайлашни таклиф этади.

8.3. Умумий йиғилишни олиб бориш тартиби йиғилишнинг бошланиши ва тахминан тамом бўлиш вақтини, нутқлар қанча давом этиши ва танаффусларни, кун тартиби масалаларининг изчиллигини, кун тартиби масалалари бўйича маърузачиларнинг фамилиялари ва лавозимларини, овоз беришни амалга ошириш ва унинг натижаларини эълон қилиш тартибини назарда тутади.

8.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишида Компания кузатув кенгашининг, ижроия органининг мукофот ва компенсациялари миқдори, шунингдек, тақсимлашга таклиф этилаётган соф фойда, дивидендлар миқдорининг асосланиши, уларнинг Компания дивиденд сиёсатига мувофиқлигининг баҳоланиши (зарурат туғилганда соф фойданинг муайян қисмини Компанияни ривожлантириш эҳтиёжларига йўналтиришнинг тушунтирилиши ва иқтисодий асосланиши) батафсил ошкор этилади (эълон қилинади).

8.5. Акциядорлар умумий йиғилишининг раиси йиғилиш ўтиш пайтида пайдо бўлган масалалар бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг ҳар бир қатнашчисига белгиланган вақт доирасида сўзга чиқиш ҳуқуқини беришни якка ўзи ҳал этади.

8.6. Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда қатнашиш истагини билдирганлар умумий йиғилиш котибиятига муҳокама қилинадиган масалани кўрсатган ҳолда ёзма талабнома беришлари лозим.

8.7. Компания акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этувчи шахсга шундай шахс ҳисобидан ўзи тўлдириган бюллетенъ нусхасини олиши имконини беради.

8.8. Кун тартибининг барча масалалари муҳокама қилингандан кейин раис акциядорлар умумий йиғилишини ёпиқ деб эълон қиласди.

9. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИННИГ БАЁННОМАСИ

9.1. Умумий йиғилиш котибиятининг сон ва шахсий таркиби акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади. Компания корпоратив маслаҳатчиси умумий йиғилиш котиби (котибияти) сифатида сайланиши (киришиши) мумкин.

9.2. Умумий йиғилиш котибияти:

- умумий йиғилишнинг боришини баёнга қайд этиб боради;
- ёзма буюртманомалар бўйича йиғилиш кун тартиби масалаларини муҳокама қилишда қатнашиш истагини билдирувчилар рўйхатини олиб боради;
- умумий йиғилиш тамом бўлгандан сўнг ўн кундан кечиктирмай акциядорлар умумий йиғилиши баёнини икки нусхада тузади.

9.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;
- Компаниянинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;
- умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;
- умумий йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йиғилиш кун тартиби;
- маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар;
- акциядорлар умумий йиғилиши аудио-видео ёзуви ва интернет тармоғидаги трансляцияси орқали ўтган тақдирда, ушбу маълумотлар кўрсатилиши лозим.

9.4. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада

тузилади. Баённоманинг ҳар иккала нусхаси ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

9.5. Саноқ комиссияси баёни йиғилишнинг маҳсус қарори билан тасдиқланмайди, балки маълумот учун қабул қилинади ҳамда умумий йиғилиш баённомасига қўшиб қўйилиши керак.

9.6. Акциядорлар умумий йиғилиши баёни имзолангандан сўнг саноқ комиссияси йиғилиш ҳужжатларини, шу жумладан умумий йиғилишнинг рўйхатдан ўтиш рўйхатини, саноқ комиссияси аъзолари томонидан мухранган овоз бериш бюллетеңларини, овоз бериш якунлари тўғрисидаги баёнини ва акциядорлар умумий йиғилиши баёнини сақлаш учун Компания архивига топширади.

10. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ

10.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари акциядорлар эътиборига:

- акциядорлар умумий йиғилиши тугаганидан сўнг эълон қилиш;
- акциядорлар умумий йиғилиш баённомаси тузилган санадан икки иш куни давомида мухим факт тўғрисидаги маълумотларни Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ваколатли орган, “Тошкент” РФБ ва Компаниянинг расмий веб-сайтларида ошкор қилиш йуллари билан етказилади.

10.2. Компания Бошқаруви акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари бажарилишини ташкиллаштиради.

10.4. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорлари бажарилиши устидан назорат қилишни, башарти йиғилиш қарорида ўзгача ҳол қайд этилмаган ва баёнда акс эттирилмаган бўлса, Компания кузатув кенгashi амалга оширади.

10.5. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари умумий йиғилишда ҳозир бўлган, шунингдек ҳозир бўлмаган барча акциядорлар томонидан, уларга тегишли ва қонунчиликка зид бўлмаган қисми бўйича бажарилиши мажбурийдир.

ПРИЛОЖЕНИЕ № 1
к Положению об
Общем собрании акционеров

РЕГИСТРАЦИОННЫЙ СПИСОК
Очередного (внеочередного) общего собрания акционеров акционерного общества «_____», проводимого
«__» ____ 201____ года.

№	Ф.И.О. (наименование акционера)	Кол-во гол- их акций	Подпись акционера	Заполняется при наличии представителя				
				Ф.И.О. представителя	Номер доверенности	Дата выдачи доверенн ости	Коли-во гол-их акций	Подпись представи теля
1	2	3	4	5	6	7	8	9

Всего зарегистрированных участников Общего собрания акционеров _____ человек, обладающих в совокупности
_____ шт. голосующих акций

Наличие кворума (в процентах от общего числа голосующих акций) ____ %.

Члены счетной комиссии: _____ Ф.И.О.

(подпись)

_____ Ф.И.О.

(подпись)

_____ Ф.И.О.

(подпись)

ПРИЛОЖЕНИЕ № 2
к Положению об
Общем собрании акционеров

АКЦИОНЕРНАЯ КОМПАНИЯ "DORI-DARMON"

Бюллетень

акционера для голосование на Общее собрание акционреов от «__» _____ 20 __г.
в __ ч. __ мин. по адресу _____

(Полное наименование акционера юридического лица, Ф.И.О. акционера физического лица)

(количество голосующих акций)

(Ф.И.О представитель акционера, номер и дата доверенность)

При голосовании по вопросам повестки дня необходимо выбрать один из вариантов голосования «за», «против» или «воздержались» (способы выбора варианта: X, √ или вписать в определенную ячейку количество голосов), за исключением голосования по вопросу избрания членов Наблюдательного совета.

№	Формулировка вопроса, поставленного на голосование	За	Против	Воздержался

Количество голосов для голосования по вопросу избрания членов Наблюдательного совета (количество принадлежащих Вам голосов необходимо умножить на число лиц, которые должны быть избраны в наблюдательный совет компании) - _____. При этом, Вы вправе отдать полученные таким образом голоса полностью за одного кандидата или распределить их между двумя и более кандидатами.

№	Формулировка вопроса, поставленного на голосование:		За (Количество голосов, отданных за кандидата в члены Наблюдательного совета)
	Ф.И.О. кандидата в члены Наблюдательного совета	Сведения о кандидатах с члены Наблюдательного совета	

Фамилия, инициалы _____
(подпись)

Бюллетень для голосования должен быть подписан акционером (его представителем).

* Указывается номер акционера по Регистрационному списку.

«DORI-DARMON» АКнинг

«Акциядорлар умумий йигилиши тўғрисида»ги Низоми – 2016 йил

ПРИЛОЖЕНИЕ № 3
к Положению об
Общем собрании акционеров

УВЕДОМЛЕНИЕ
о проведении годового (внеочередного) общего собрания акционеров
акционерного компании «Дори-Дармон»

Уважаемый(ая) _____, акционерное общество
«_____», расположенное по адресу:_____, контактный телефон:
_____, извещает Вас, что «____» ____ 20__г. в ____ч.____мин. по адресу

состоится годовое (внеочередное) общее собрание акционеров нашего
акционерного общества.

Список акционеров, имеющих право на участие в годовом (внеочередном) общем
собрании акционеров, будет составлен на основании реестра акционеров, сформированного по
состоянию на «____» ____ 20__г.

Регистрация акционеров, принимающих участие в общем собрании акционеров,
начинается с ____ч.____мин. и продолжиться до ____ч.____мин.

Доводим до Вашего сведения следующую повестку дня годового (внеочередного) общего
собрания акционеров:

- 1.
- 2.
- 3.

В период проведения общего собрания акционеров Вы сможете ознакомиться со
следующими материалами общего собрания акционеров:

- 1.
- 2.
- 3.

Для участия в общем собрании акционеров акционерам необходимо будет иметь при себе
паспорт, а представителям акционеров – доверенность, оформленную в соответствии с
требованиями законодательства РУз. (для физических лиц – нотариально заверенную, для
юридических лиц – выданную данным юридическим лицом).

Наблюдательный совет
АК «Дори-Дармон»

ПРИЛОЖЕНИЕ № 4
к Положению об
Общем собрании акционеров

АО «_____»

ПРЕДЛОЖЕНИЕ
акционера _____
о внесении вопроса в повестку дня общего собрания акционеров

Количество принадлежащих акций:

_____ штук простых

_____ штук привилегированных.

Формулировка вопроса, подлежащего внесению в повестку дня собрания акционеров (с указанием мотивов его постановки):

Выдвигаемые кандидаты в члены Наблюдательного совета (Ф.И.О., место работы, должность, количество акций АО с разбивкой по типам, принадлежащих кандидату):

Выдвигаемые кандидаты в члены Ревизионной комиссии (Ф.И.О., место работы, должность, количество акций АО с разбивкой по типам, принадлежащих кандидату):

Выдвигаемые кандидаты в исполнительный орган (Ф.И.О., место работы, должность, количество акций АО с разбивкой по типам, принадлежащих кандидату):

Ф.И.О. _____

(подпись, дата)

ПРИЛОЖЕНИЕ № 5
к Положению об
Общем собрании акционеров

АО «_____»

ТРЕБОВАНИЕ
о созыве внеочередного общего собрания акционеров

Ф.И.О. (Наименование) лица, требующего созыва собрания:
_____ (в случае выдвижения требования со стороны члена
ревизионной комиссии, это следует также отразить в данной графе)

Количество принадлежащих акций (заполняется в случае выдвижения требования
акционером):
_____ штук простых
_____ штук привилегированных.

Содержание требования (формулировка причины созыва внеочередного общего собрания
акционеров):

Формулировка вопроса, подлежащего внесению в повестку дня собрания акционеров (с
указанием мотивов его внесения):

Выдвигаемые кандидаты в члены Наблюдательного совета (Ф.И.О., место работы,
должность, количество акций АО с разбивкой по типам, принадлежащих кандидату):

Ф.И.О. _____ (подпись, дата)